



## COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИ ВА АСОРАТЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

**А.В.Азимов**

**М.М.Мирсаидов**

*Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали*

**Р. И. Касимова**

**Э. И. Мусабаев**

*Вирусология илмий текшириш институти*

Янги турдаги коронавирус инфекцияси (Covid-19) пандемияси бошланганидан ушбу инфекцияни олдини олиш ва асоратлари билан оғриган беморларни муваффақиятли даволаш нафақат соғлиқни сақлаш соҳаси шифокорлари балки ҳарбий шифокорларнинг ҳам асосий вазифаси бўлиб келди. Пандемия даврида ҳарбий шифокорлар нафақат ҳарбий хизматчиларга балки тинч аҳолига ҳам тиббий хизмат кўрсатишди [1,4,5].


Пандемиянинг дастлабки босқичида янги коронавирус инфекцияси тўғрисидаги билимларнинг етарлича емаслиги ва вируснинг юқумлилик даражасининг юқорилиги сабабли кўплаб одамларда, шу жумладан ҳарбий хизматчиларда турли хил асоратлар ривожланиб, уларда касаллик асоратларининг оғир кечиши, айрим ҳолларда ўлим билан яқунланишига олиб келди. Мазкур инфекция билан хасталанган беморларнинг яшаш ва хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий гуруҳлардаги касалликнинг клиник кечишининг хусусиятлари ҳақида янги маълумотларни ўрганиш муҳим саналади. Беморларда касаллик асоратлари нафас олишдаги қийинчиликлар ва иситма билан намоён бўлиб, айрим беморларда юрак-қон томир тизимида ўткир ва сурункали патологияларни ривожланишига сабаб бўлди. Булар асосан, артериал ва веноз тромбозлар, миокарднинг ўткир шикастланиши, миокардит, юрак аритмиялари бўлса, ўпканинг оғир шикастланиши фонида гипоксия ва гипоксемия, майда қон-томирларнинг шикастланиши ва тизимли яллиғланиш билан кечди [2,3,6].

**Материал ва метод:** Биз 2020 йилда Covid-19 инфекциясининг турли асоратлари билан касалланган ҳарбийлар ва фуқаролар учун “UzEksPo” марказида Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали шифокорлари ҳамкорлигида ташкил этилган вақтинчалик касалхонада ётиб даволанган беморларнинг касаллик тарихларини тўлақонли ўргандик. Жами 8811 нафар беморлар икки гуруҳга, яъни ҳарбий хизматчилар ва фуқароларга ажратилган ҳолда ўрганилди. Биринчи гуруҳ 3274 нафар ҳарбий хизматчилар бўлиб (37,16%), иккинчи гуруҳда 5537 (62,84%) нафар фуқаролар ҳисобланди. Барча беморлар клиник диагностика текширувларидан комплекс тарзда ўтказилган. Ўрганиш натижаларида беморларни ҳаётини сақлаб қолиш даражаси Каплан Меиер усулидан фойдаланилди. Статистик текширувлар IBM SPSS ver. 26.0 (Armonk, NY, USA) ўтказилди.




**Натижалар:** Биринчи гуруҳдаги ҳарбий хизматчи беморларнинг ёши тинч аҳолига қараганда ёшроқ бўлиб, жинс кўрсаткичлари деярли бир хилдалиги аниқланди, яъни 57,3/47,1%. Даво муолажаларининг олиш муддатлари ҳарбий хизматчиларда ўртача 1 кунга қисқароқ, яъни 7,2/8,2 кун.

Касаллик асоратларидан ўлим кўрсаткичлари тинч аҳолига нисбатан ҳарбий хизматчилар орасида деярли 50% га кам бўлиб, уларнинг нисбати 0,64/1,24% га тенг. Каплан-Меер бўйича таҳлилида ҳарбий гуруҳ беморларнинг тинч аҳоли беморларига қараганда касалликни енгиш даражаси яхшироқ кўрсаткичга эга.




**Диаграмма 4. Сравнительная количественная (число пациентов) пирамида по тяжести течения COVID-19 по когортам**

Примечание к диаграмме 4. ЛТ – легкая тяжесть течения; СТ – средняя тяжесть течения; ТТ – тяжелое течение; КТТ – крайне тяжелое течение.



**Диаграмма 2. Ящики с усами демонстрирующие средний возраст (+ интерквартильный размах) пациентов в обеих категориях с разделением по полу**



**Мухокама:** Касалланганлар сонининг тезлик билан кўпайишига сабаб бўлган Covid-19 пандемияси жаҳон тиббиёт ҳамжамиятига бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди, улардан бири бу касалликка чалинган беморларни кузатиш ва реабилитация қилишдир. Covid-19 инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари бўйича биз ушбу тадқиқотда амалга ошираётган мултидисциплинар ёндашувнинг муҳимлигини таъкидлашимиз мумкин. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш мумкинки, ҳарбий контингент тинч аҳолидан бир қанча жиҳатлари (ёши, жинси, касалланишидан аввалги саломатлик ҳолати кабилар) билан фарқ қилишини қайд этиш лозим бўлади.

**Хулоса:** Фуқароларда ҳарбий хизматчиларга нисбатан Covid-19 инфекцияси бир қанча салбий асоратлар билан намоён бўлди. Бунда ҳарбий хизматчиларнинг мунтазам жисмоний тарбия, мувозанатли овқатланиши ва нормал уйқу соғлом турмуш тарзининг йўлга қўйилганлиги муҳим шарт ҳисобланади. Шубҳасиз, юқоридаги ҳолатлар касалликларга камроқ мойил бўлишига ёрдам беради ва касалликдан эрта тикланиши учун ёрдамчи шароит бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, ҳарбий хизматчиларнинг мунтазам тиббий текширувлардан ўтишлари биргаликда бу омилларнинг барчаси Covid-19 нинг енгил кечишида ва бу ўлим кўрсаткичларининг пасайишига сабаб бўлган дейиш мумкин.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Кутырев В.В., Попова А.Ю., Смоленский В.Ю. и др. Эпидемиологические особенности новой коронавирусной инфекции (COVID-19). Сообщение 1: Модели



реализации профилактических и противоэпидемических мероприятий // Проблемы особо опасных инфекций. 2020. № 1. С. 6–13.

2.Малинникова Е.Ю. Новая коронавирусная инфекция. Сегодняшний взгляд на пандемию XXI века // Инфекционные болезни: новости, мнения, обучение. 2020. Т. 9. № 2 (33). С. 18–32.

3.Постановлению Кабинета Министров РУз «о порядке осуществления профилактических и противоэпидемических мероприятий, выполняемых при выявлении (подозрении) коронавирусной инфекции» от 23.03.2020 г. – №. 176.

4. Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по организации физической подготовки военнослужащих Вооруженных Сил Республики Узбекистан на высоком уровне» от 10.12.2021 г. - № ПП-40.

5.Kebina AL, Sycheva AS, Vertkin AL, et al. Clinical and anatomical portrait of patients with severe COVID-19. Lechaschi Vrach. 2020;10:15-9. (In Russ.) Кебина А. Л., Сычѐва А. С., Вѐрткин А. Л. и др. Клинико-анатомический портрет больных с тяжелым течением инфекции COVID-19. Лечащий врач. 2020;10:15-9. doi:10.26295/OS.2020.60.78.003.Объединенный отчет «Организации объединенных наций Узбекистана и ВОЗ Узбекистана» за 2020 год «Национальный стратегический план обеспечения готовности и реагирования в области здравоохранения по COVID-19».

6.Maev IV, Shpektor AV, Vasilyeva EYu, et al. Novel coronavirus infection COVID-19: extrapulmonary manifestations. Therapeutic Archive. 2020;8:5-13. (In Russ.) Маев И.В., Шпектор А.В., Васильева Е.Ю. и др. Новая коронавирусная инфекция COVID-19: экстрапульмональные проявления. Терапевтический архив. 2020;8:5-13. doi:10.26442/00403660.2020.08.000767